



“ТМҚХММИ” Миллий тадқиқот
университети Бошқарув кенгашининг
“12” февралдаги
№ 2 сонли йиғилиш баёнини қарори
билан тасдиқланган

**“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида илмий
даражалар ва илмий унвонлар бериш**

ТАРТИБИ

Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий таълимдан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги “Иқтисодиёт тармоқлари учун муҳандис кадрларни тайёрлаш тизимини инновация ва рақамлаштириш асосида тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-42 сонли қарорига мувофиқ “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқотлар университети (кейинги ўринларда – Университет деб аталади) да фалсафа доктори (Doctor of Philosophy, PhD), фан доктори (Doctor of Sciences, DSc) илмий даражалари ва илмий унвонларни бериш тартибини белгилайди.

1-БОБ.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида фан тармоқлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy, PhD), фан доктори (Doctor of

Sciences, DSc) илмий даражалари ва илмий унвонларни бериш тартибини белгилайди.

2. “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида илмий кенгашлар тузиш, илмий даражалар ва илмий унвонларни бериш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилган “Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисида Низом” (рўйхат рақами 2893), “Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги Низом” (рўйхат рақами 2894) ва “Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом” (рўйхат рақами 2793-2) ларга асосланган ҳолда амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги “Иқтисодиёт тармоқлари учун муҳандис кадрларни тайёрлаш тизимини инновация ва рақамлаштириш асосида тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-42 сонли қарорининг 5-бандига мувофиқ:

- **Университетнинг илмий кенгаши томонидан Университетда илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар тузилади ва таркиби тасдиқланади.**

- **Университетнинг илмий кенгаши томонидан тегишли ихтисосликларда илмий унвон ва илмий даражаларни берилади.**

-Университетда республикадаги бошқа олий таълим муассасалари ва илмий муассасалар томонидан берилган илмий унвон **ва илмий даражалар** тан олинади.

2-БОБ.

ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. Илмий кенгашни тузиш, унинг фаолиятини тўхтатиб туриш ёки тугатиш

2.1.1 Илмий даражалар берувчи Илмий кенгашлар Университет таркибидаги институтлар, факультетлар ва илмий марказларнинг муружаатига асосан алоҳида ихтисосликлар бўйича ёки ихтисосликлар туташлигида тузилади.

Илмий кенгаш(лар) диссертациялар экспертизасининг сифати, холислиги, диссертация ҳимояси учун зарур шароитлар яратилиши ва қабул қилинган қарорларининг асослиги учун масъул ҳисобланади.

2.1.2. Университет ва унинг таркибидаги институтлар, факультетлар ва илмий марказларнинг мурожаатида Илмий кенгаш тузиш зарурати асослаб берилади ва Илмий кенгаш таркибига киритиш кўзда тутилаётган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уларнинг объектив-маълумотномалари илова қилинади. Илмий кенгашнинг раиси, раис ўринбосари ва илмий котиблигига камида иккитадан номзод кўрсатилиши лозим.

2.1.3. Илмий кенгаш аъзолари, қоида тариқасида, камида **13 нафар ва кўпи билан 15 нафар аъзодан иборат** таркибда шакллантирилади.

Фан доктори (DSc) илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация ҳимоясини ўтказиш ҳуқуқига эга.

Фан доктори (DSc) илмий даражасини берувчи илмий кенгаш таркибига Илмий кенгаш ҳар бир ихтисослигининг тегишли фан тармоғи бўйича камида 5 нафар фан доктори киритилади. Истисно тариқасида, Илмий кенгаш илмий котиби сифатида фаол илмий фаолият олиб бораётган ва катта илмий-амалий тажрибага эга бўлган фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражага эга мутахассис (бундан буён матнда фалсафа доктори (PhD) деб юритилади) киритилиши мумкин.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи илмий кенгаш таркибига Илмий кенгаш ҳар бир ихтисослигининг тегишли фан тармоғи бўйича камида 5 нафар илмий даражага эга бўлган мутахассис киритилади. Бунда фан докторлари сони Илмий кенгаш аъзоларининг **учдан икки қисмидан (2/3) кам** бўлмаслиги лозим.

2.1.4. Зарур ҳолларда Илмий кенгаш таркибига Илмий кенгаш ихтисосликларига яқин ихтисослик бўйича илмий даражага эга бўлган шахслар ҳам киритилиши ва, шунингдек, диссертация ҳимоялари сессия тарзида Университет Илмий кенгаши руҳсати билан ўтказилиши мумкин.

Бир шахс фақат битта фан тармоғининг битта ихтисослиги бўйича Илмий кенгашга киритилади ҳамда кўпи билан иккита Илмий кенгаш аъзоси бўлиши мумкин.

Илмий кенгаш аъзолигига тавсия этилаётган шахслар Илмий кенгаш ихтисослиги бўйича самарали илмий фаолият олиб борган ва

бораётган, чуқур билим ва катта тажрибага эга, устоз-шогирд анъаналарини давом эттираётган ва охириги 3 йил ичида камида 5 та илмий асарлар нашр этган бўлишлари лозим.

2.1.5. Илмий кенгаш таркиби 2 йил муддатга тасдиқланади. Илмий кенгаш таркибининг камида 15 фоизи ҳар йили белгиланган тартибда янгиланиши зарур. Илмий кенгаш таркибидан чиқарилган аъзолар унинг таркибига 1 йил ўтгандан кейин қайта киритилиши мумкин.

2.1.6. Илмий кенгашда химоя қилинадиган диссертациялар бўйича ихтисосликлар рўйхати амалдаги **“Олий малакали илмий ва илмий – педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати” асосида тузилади.**

2.1.7. Илмий кенгаш таркибига Илмий кенгаш раисининг мурожаати асосида **Университет илмий кенгаши томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.** Бунда ўзгартиришлар аниқ кўрсатилиши, асослаб берилиши, шунингдек субъектив хусусиятга эга бўлмаслиги лозим.

2.1.8. Диссертация ихтисослиги ёки тегишли фан тармоғи бўйича Илмий кенгаш бўлмаган тақдирда, диссертация бажарилган муассаса диссертацияни дастлабки экспертизадан ўтказиб, Университет илмий кенгашидан Бир марталик илмий кенгаш тузишни сўраб мурожаат қилади.

2.1.9. Бир марталик илмий кенгаш тузиш бўйича мурожаатга Бир марталик илмий кенгаш таркибига киритиш кўзда тутилаётган шахслар тўғрисидаги маълумот ва ушбу шахсларнинг объектив-маълумотномалари ҳамда тегишли ҳужжатлар илова қилинади.

2.1.10. Қуйидаги ҳолларда Илмий кенгаш фаолияти Университет илмий кенгаши қарори асосида 6 ойгача тўхтатиб турилади:

Илмий кенгаш томонидан мунтазам равишда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган ҳамда илмий жиҳатдан савияси паст диссертация химоялари ўтказилиб, Илмий кенгаш томонидан улар юзасидан ижобий хулосалар берилганда;

Илмий кенгаш томонидан диссертация химоясини ўтказиш тартиби сурункасига 2 марта бузилганда.

2.1.11. **Университет илмий кенгашининг қарорида** кўрсатилган муддат ичида тегишли камчиликлар бартараф этилгандан сўнг, **Университет илмий кенгашининг қарорига** асосан Илмий кенгаш ўз фаолиятини давом эттириши мумкин.

2.2. Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ишини ташкил этиш

2.2.1. Илмий кенгаш қонунийлик, холислик, очиклик, шаффофлик ва тезкорлик принциплари асосида Университетнинг Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори раҳбарлиги остида фаолият олиб боради. Илмий кенгаш фаолияти Университетнинг веб-сайти орқали ёритиб борилади.

2.2.2. Илмий кенгаш мажлислари:

диссертацияни ҳимояга қабул қилиш;

диссертация ҳимоясини ўтказиш;

илмий даражадан маҳрум қилиш ёки уни тиклаш;

Университет Бошқарув кенгаши ёки Илмий кенгашига тегишли юридик ёки жисмоний шахс томонидан Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш фаолияти билан боғлиқ муурожаатларни ва бошқа тегишли масалаларни кўриб чиқиш юзасидан ўтказилади.

2.2.3. Илмий кенгаш(лар) Университетнинг расмий бланки ва Давлат герби тасвири туширилган муҳридан фойдаланади. Университет раҳбарияти томонидан Илмий кенгаш фаолият олиб бориши учун зарур бошқа тегишли шарт-шароитлар ҳам яратиб берилади.

2.2.4. Илмий кенгаш томонидан кўпи билан **2 та ихтисослик** ёки фан тармоғи бўйича диссертациялар ҳимояга қабул қилиниши мумкин.

2.2.5. Илмий кенгаш раиси ҳар йили 10 январга қадар ўтган йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра Илмий кенгаш фаолияти бўйича **Университет илмий кенгашида ҳисобот беради.**

2.3. Илмий кенгашда диссертацияни дастлабки экспертизадан ўтказиш

2.3.1. Диссертация бажарилган муассаса томонидан диссертацияни дастлабки экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича ижобий хулоса берилганда, изланувчи томонидан Илмий кенгашга мазкур Тартибнинг **1-иловасида** келтирилган ҳужжатлар тақдим этилади.

2.3.2. Илмий кенгаш диссертация бажарилган муассасанинг хулосасидан қониқмаган тақдирда, диссертацияни қўшимча равишда экспертизадан ўтказиш учун қайтариш ваколатига эга.

Илмий кенгаш томонидан диссертация дастлабки экспертизадан ўтказиш учун қабул қилиб олингандан сўнг, диссертация Илмий семинарга юборилади.

2.3.3. Илмий кенгаш томонидан диссертация дастлабки экспертизадан ўтказиш учун қабул қилиб олинган кундан эътиборан диссертация Илмий семинарга юборилади.

2.3.4. Изланувчи томонидан ҳужжатлар топширилган кундан эътиборан фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация 2 ой ичида, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация эса 3 ой ичида Илмий семинар томонидан дастлабки экспертизадан ўтказилади ва тегишли хулоса Илмий кенгашга тақдим этилади.

2.3.5. Диссертацияга холисона хулоса бериш ва Илмий кенгашга диссертацияни ҳимояга қабул қилиш юзасидан асосли тавсиялар бериш учун муайян ихтисослик (лар) бўйича Илмий кенгаш ҳузурида тузиладиган Илмий семинар ва, шунингдек, расмий оппонентлар масъул ҳисобланади.

2.3.6. Илмий семинар Илмий кенгаш назорати остида фаолият юритади ва Илмий семинар раиси ҳар йили 10 декабрга қадар Илмий кенгаш раисига Илмий семинар фаолияти бўйича ҳисобот тақдим этади.

Илмий семинар Илмий кенгаш назорати остида фаолият юритади.

2.3.5. Илмий семинар камида **21** нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва илмий котибдан иборат таркибда Университет раҳбарияти билан келишган ҳолда Илмий кенгаш раиси томонидан 2 йилгача бўлган муддатга тасдиқланади.

Бир марталик илмий кенгаш томонидан тузиладиган Илмий семинар таркиби ҳузурида Университет раҳбари билан келишилган ҳолда тўғридан-тўғри Бир марталик илмий кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

Илмий кенгаш раиси Илмий семинарнинг таркибига Илмий кенгаш билан келишилган ҳолда ўзгартириш киритиши мумкин.

Илмий семинар таркибига Илмий кенгаш аъзолари, ОАКнинг тегишли эксперт кенгаши аъзолари, илмий ва илмий-педагогик фаолият кўрсатаётган мутахассис-олимлар ҳамда юқори малакали ва тажрибали амалиётчи мутахассислар киритилади.

2.3.6. Диссертация Илмий семинар раҳбарияти томонидан Илмий кенгаш раисининг (ўринбосарининг) йўлланмаси асосида Илмий кенгаш илмий котибидан қабул қилинади ва рўйхатга олинади ҳамда шу куннинг ўзида Илмий семинар аъзоларидан ёки бошқа мутахассис-олимлар орасидан

4 нафар тақризчи тайинланади. Уларнинг 2 нафари илмий кенгаш аъзоси, 2 нафари илмий семинар аъзолари ёки бошқа илмий даражали мутахассислар бўлиши мумкин.

Тақризчилар диссертация билан танишиб чиқиб, тақризларини фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун **1 ой** ичида, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун эса **2 ой ичида** Илмий семинар илмий котибига ва талабгорга тақдим этади.

2.3.7. Илмий семинар иши мажлис шаклида ташкил этилади. Мажлиснинг кун тартиби унинг аъзоларига мажлис ўтказилишидан камида 5 кун олдин Илмий семинар илмий котиби томонидан тарқатилади ҳамда Университет веб-сайтида эълон қилинади.

Мажлисда Илмий семинарга аъзо бўлмаган мутахассислар ҳам иштирок этишлари мумкин.

2.3.8. Илмий семинарга раислик қилувчи мажлисни очиш вақтида қайд этиш варақаси асосида Илмий семинар аъзоларини мажлиснинг ваколатлилиги ҳақида хабардор қилиб, изланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда диссертация мавзусини эълон қилиб, Илмий семинар илмий котибига сўз беради.

Изланувчи ҳақида Илмий семинар илмий котиби томонидан қисқача маълумот берилгандан сўнг, диссертациянинг моҳияти ва асосий ҳолатларини баён этиш учун сўз изланувчига берилади.

Изланувчининг маърузаси тугагач, савол-жавоблардан сўнг, тақризлар ижобий бўлганда 4 нафар тақризчидан 2-3 нафар тақризчиларга сўз берилади. Қолганларининг тақризидаги камчилик ва хулосалар ўқиб эшиттирилади.

Тақризчиларнинг ярмидан кўпи бўлмаган тақдирда, Илмий семинар мажлисини ўтказиш бошқа вақтга қолдирилади.

Тақризчиларни бири узрли сабабларга кўра келмаган тақдирда, унинг тақризи Илмий семинар мажлисида илмий котиб томонидан тўлиқ ўқиб эшиттирилади.

Ишга берилган тақризларнинг ярмидан кўп қисмининг берган тақризи салбий бўлганда диссертация иши семинар муҳакамасига қўйилмайди.

Ҳар бир тақризчининг маърузасидан ва ўқиб эшиттирилган тақризлардан сўнг изланувчига сўз берилади.

Диссертация бўйича муҳоамада мажлисда иштирок этаётган барча шахслар қатнашиши мумкин.

Илмий семинар мажлисида раислик қилувчи мазкур диссертация бўйича тушган таклифларни навбатига қараб очик овозга қўяди.

Агар илмий семинар муайян диссертация бўйича «диссертацияни қайта ишлаш тавсия этилсин» хулосасини қабул қилса, талабгорга диссертацияни қайтаради. Илмий семинарда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилгандан сўнг камида 3 ойдан кейин диссертация дастлабки экспертизадан ўтказилади ва натижалари бўйича ижобий хулоса берилган тақдирда изланувчи томонидан Илмий кенгашга тегишли ҳужжатлар тақдим этади.

Илмий семинарда диссертация фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун 2 ой ичида, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун эса 3 ой ичида муҳокамадан ўтказилади.

2.4. Диссертацияни ҳимояга қабул қилиш

2.4.1. Диссертация бўйича Илмий семинарнинг ижобий хулосаси тақдим этилган кундан эътиборан 1 ой ичида Илмий кенгаш томонидан диссертация ҳимояга қабул қилиб олинishi ва бу ҳақда қарор чиқарилиши лозим.

Етакчи ташкилот ва расмий оппонентлар Илмий кенгаш томонидан диссертацияни ҳимояга қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин тасдиқланади.

Илмий кенгашда диссертация ҳимояга қабул қилинган кундан бошлаб 5 кун ичида диссертация ва диссертация автореферати лойихаси Илмий кенгаш томонидан расмий оппонентлар ва етакчи ташкилотга кузатув хати орқали юборилади.

2.4.2. Илмий кенгаш диссертация йўналиши бўйича тадқиқотлар олиб бораётган олимларидан расмий оппонентлар тайинлайди.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация бўйича 2 нафар расмий оппонент тайинланади, улардан бири фан доктори бўлиши керак, иккинчиси эса, фан доктори ёки фалсафа доктори (PhD) бўлиши мумкин. Расмий оппонентларнинг 1 нафари ҳимоя ўтаётган Илмий кенгаш аъзоси бўлиши керак.

Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация бўйича фан докторлари ёки профессорлар орасидан 3 нафар расмий оппонент тайинланади, бунда улардан 2 нафари ҳимоя ўтаётган Илмий кенгаш аъзоси бўлиши керак.

Расмий оппонентлар турли ташкилотларнинг ходимлари бўлиши лозим.

2.4.3. Диссертацияни ҳимояга қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг ва диссертация автореферати чоп этилишидан 5 кун олдин Илмий кенгаш диссертация ҳимояси тўғрисида Университет веб сайтига жойлаштирилади.

Илмий кенгаш диссертация ва авторефератда кўчирмачилик (плагиат) ҳолатини аниқлашнинг электрон экспертизасини ташкил қилади. Бунда кўчирмачилик (плагиат) бўйича ҳар қандай ҳол (ҳоллар) аниқланган тақдирда, ҳужжатлар ва диссертация муҳокамадан олиб ташланади.

2.4.4. Диссертация ҳимояси тўғрисида Университет веб-сайтида эълон берилганидан кейин Илмий кенгаш раиси томонидан диссертация авторефератини қўлёзма ҳуқуқи билан чоп этишга рухсат берилади ва диссертация ҳимоя қилинадиган кун тайинланади. Диссертация авторефератининг тўлиқ матни Илмий кенгашнинг илмий котиби томонидан ҳузурида Илмий кенгаш фаолият юритаётган муассасанинг веб-сайтига жойлаштирилиши, «ZiyoNET» таълим ахборот тармоғига жойлаштириш учун юборилиши таъминланади.

2.5. Диссертацияни ҳимоя қилиш юзасидан Илмий кенгаш мажлисини ўтказиш

2.5.1. Илмий кенгаш мажлиси унинг ишида аъзоларининг камида учдан икки қисми ва унда ҳимоя қилинаётган фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертациянинг (ҳар бир) ихтисослиги бўйича камида 5 нафар фан доктори, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертациянинг (ҳар бир) ихтисослиги бўйича эса, камида 3 нафар фан доктори ва 1 нафар фалсафа доктори (PhD) иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

Илмий кенгаш аъзоларининг мажлисда иштирок этаётганлиги ҳамда уларнинг Илмий кенгашдаги ихтисослиги, илмий даражалари мажлис стенограммасида қайд этилади.

2.5.2. Илмий даража бериш масаласи юзасидан унга мажлисда иштирок этган ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган Илмий кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми томонидан ёқлаб овоз берилганда, ижобий қарор қабул қилинган ҳисобланади.

2.5.3. Талабгорнинг аттестация иши биринчи йилда Илмий кенгашда, кейинги йилдан Университет архивида белгиланган тартибда сақланади.

2.5.4. Илмий кенгаш мажлисига шахсни илмий даражадан маҳрум этиш ёки уни тиклаш масаласи ҳамда манфаатдор шахс (шахслар)нинг Илмий кенгаш қарори юзасидан апелляция мурожаатлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилган “Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисида Низом” (рўйхат рақами 2893) нинг 8-9 бобидаги талаблар асосида Университет ва унда ташкил этилган алоқадор илмий кенгашларда кўриб чиқилади.

3-БОБ.

ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ

3.1. Умумий қоидалар

3.1.1. Илмий даражалар белгиланган тартибда диссертация ҳимоя қилган ёки мазкур Тартибнинг 3.1.4 - банди талабларига жавоб берган, муайян фан тармоғида чуқур касбий билимга, илмий ютуқларга эга бўлган юксак маънавиятли шахсларга берилади

3.1.2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилган “Малакавий имтихонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом” (рўйхат рақами 2764-1) га мувофиқ тегишли малакавий имтихонларини топширган изланувчилар 2022-2023 йилларда диссертацияни ҳимоя қилишга қўйилади.

3.1.3 2024 йилдан бошлаб ихтисосликлар бўйича малакавий имтихонлар ва унга алоқадор бўлган ўзлаштирилиши назарда тутилган фанлардан малакавий имтихонларнинг сони ва мазмунини илмий даражалар берувчи кенгаш томонидан белгиланади. Ушбу малакавий имтихонларини топширган изланувчиларга диссертацияни ҳимоя қилишларига рухсат берилади.

3.1.4. Тадқиқотлар амалга оширилган кафедра хулосаси ва Илмий кенгаш қарори асосида истисно тариқасида, куйидагиларга диссертация ҳимоясиз илмий даража берилиши мумкин:

фан ва технологияларни ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва ижтимоий соҳалар тараққиётига улкан ҳисса қўшган

камида **тўртта** ихтиро ёки селекция ютуғи муаллифига фан доктори (DSc) илмий даражаси;

фан ва технологияларни ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва ижтимоий соҳалар тараққиётига улкан ҳисса қўшган **учтагача** ихтиро ёки селекция ютуғи муаллифига фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси;

салмоқли илмий янгиликлар олган ва импакт-фактори тегишли даражада юқори ва халқаро тизимга кирган илмий журналларда камида 12 та (ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича 8 та), жумладан **Q1, Q2 кватилли журналларда 3 та, Q3 кватилли журналларда 2 та илмий мақола чоп эттирган** мутахассисга мақолаларининг мазмунини ёритувчи авторефератини тақдим қилган холда фан доктори (DSc) илмий даражаси (илмий натижани амалиётга жорий қилиш бўйича талаблар бажарилган холда);

муҳим илмий янгиликлар олган ва импакт-фактори тегишли даражада юқори ва халқаро тизимга кирган илмий журналларда камида 6 та (ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича 4 та) жумладан **Q1, Q2 кватилли журналларда 1 та, Q3 кватилли журналларда 2 та илмий мақола чоп эттирган** мутахассисга мақолаларининг мазмунини ёритувчи авторефератини тақдим қилган холда фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси.

Хорижий мамлакатлар илмий журналлари импакт-факторининг тегишли даражаси ҳар бир фан тармоғининг хусусиятидан келиб чиққан холда илмий кенгашнинг қарори билан белгиланади.

3.1.5. Фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасига эга бўлган шахсларга **давлат намунасидаги** дипломлар берилади.

3.1.6. Диссертацияга қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилган “Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги Низом” (рўйхат рақами 2894) нинг 2-бобига мувофиқ бажарилиши керак.

3.2. Диссертация мавзуси бўйича эълон қилинган илмий ишларга қўйиладиган талаблар

3.1.2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилган “Илмий даражалар бериш тартиби

тўғрисидаги Низом” (рўйхат рақами 2894) нинг 2-бобига мувофиқ 2022 йилда изланувчилар диссертацияни ҳимоя қилишга рухсат этилади.

3.2.2. 2024 йилдан бошлаб фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация бўйича эълон қилинган илмий ишларнинг умумий сони 10 тадан кам бўлмаслиги керак. Улардан камида 2 та илмий мақола (жумладан нуфузли хорижий илмий Q1 ёки Q2 кватрилли журналларда 1 та, Q3 кватрилли журналларда 1 та мақола) илмий нашрларда чоп этилиши лозим.

Диссертация натижаларининг халқаро ва республика илмий ва илмий-амалий конференцияларида кенг муҳокамаси асосида камида **4 та** материал (мақола, маъруза) халқаро конференция материаллари тўпламида эълон қилинган бўлиши шарт.

3.2.3. 2024 йилдан бошлаб Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация бўйича эълон қилинган илмий ишларнинг умумий сони 20 тадан кам бўлмаслиги ҳамда улардан илмий нашрларда камида 10 та мақола, улардан камида 4 та илмий мақола (жумладан нуфузли хорижий илмий Q1 ёки Q2 кватрилли журналларда 2 та, Q3 кватрилли журналларда 2 та мақола) илмий нашрларда чоп этилиши лозим.

Диссертация натижаларининг халқаро ва республика илмий ва илмий-амалий конференцияларида кенг муҳокамаси асосида камида **5 та** материал (мақола, маъруза ёки маъруза тезиси) халқаро конференция материаллари тўпламида эълон қилинган бўлиши шарт.

Ижтимоий-гуманитар фанлари соҳалари бўйича диссертация натижалари юзасидан монография эълон қилиниши керак.

3.3. Дипломларни расмийлаштириш ва бериш

3.3.1. Илмий даража бериш тўғрисидаги қарор Илмий кенгаш қарори қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради ва аттестация хужжатлари тўлиқ расмийлаштириб бўлинганидан сўнг, 15 иш куни ичида талабгорга давлат намунасидаги диплом расмийлаштирилиб топширилади.

3.3.2. Илмий даражани тасдиқловчи диплом йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда, Университет томонидан манфаатдор шахснинг аризасига мувофиқ унинг дубликати йўнатилган тартиб асосида беради.

3.4. Илмий даражадан маҳрум этиш ёки уни тиклаш

3.4.1. Кўчирмачилик, сохта ҳужжатлар тақдим этилганлик, диссертациянинг экспертизаси ноҳолис ўтказилганлиги каби ҳолатлар аниқланган тақдирда, Илмий кенгаш хулосаси ва эксперт кенгаши қарорига асосан илмий даражага эга бўлган шахслар **Университет илмий кенгаши** томонидан илмий даражадан маҳрум этилиши мумкин.

Илмий кенгаш қарори қабул қилингандан кейин 10 йил ўтган бўлса, илмий даражадан маҳрум этиш масаласи кўриб чиқилмайди.

3.4.2. Манфаатдор шахслар Илмий кенгашнинг илмий даражани бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан Илмий кенгашга апелляция беришлари мумкин. Апелляция мурожаатлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилган “Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисида Низом” (рўйхат рақами 2894) нинг 10 - бобидаги талаблар асосида Университет ва унда ташкил этилган алоқадор илмий кенгашларда кўриб чиқилади.

4-БОБ.

ИЛМИЙ УНВОНЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ

4.1. Университетда профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларини бериш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилган “Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом” (рўйхат рақами 2793) талаблари асосида амалга амалга оширилади.

4.2. Илмий унвонга тақдим этиш

4.2.1. Талабгорнинг ҳужжатлари Кенгашга, у фаолият олиб бораётган кафедра, факультет ёки университет тузилмаси томонидан кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

4.2.2. Талабгорнинг ҳужжатлари Кенгаш томонидан ташкил этиладиган ишчи комиссия томонидан белгиланган талабларга мос келиши ўрганиб чиқилади.

Илмий унвонлар беришга қўйилган талаблар бажарилганда талабгорнинг ҳужжати кенгашга тақдим этилади, акс холда қайтарилади.

4.2.3. Илмий унвонга тақдим этиш тўғрисидаги Кенгаш қарори яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

4.3. Илмий унвонга қайта тақдим этиш

4.3.1. Университет илмий кенгашида кўриб чиқилган ва илмий унвон бериш рад қилинган ёки кўриш жараёни тўхтатилган аттестация иши қуйидаги муддатларда қайта тақдим этилиши мумкин:

Университет илмий кенгашнинг илмий унвон беришни рад қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан камида бир йил ўтгач;

Университет илмий кенгаши қарори юзасидан берилган апелляция бўйича рад жавобини бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан камида икки йил ўтгач;

талабгорнинг аризасига асосан муҳокамадан олиниб, кўришдан тўхтатилган аттестация иши бўйича тегишли камчиликлар бартараф этилгандан сўнг.

4.4. Аттестатларни расмийлаштириш ва бериш

4.4.1. Университет илмий кенгашининг илмий унвон бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради ва 10 кун муддатда аттестат расмийлаштирилади.

5- БОБ.

МАЛАКАВИЙ ИМТИҲОНЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

5.1. Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 17 февральда рўйхатдан ўтказилган “Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом” (рўйхат рақами 2764) талаблари асосида амалга амалга оширилади.

5.2. Малакавий имтиҳонларни ташкил этиш

5.2.1. Ихтисослик бўйича малакавий имтиҳон — диссертация ҳимояси ўтказиладиган Университетда ташкил қилинган Илмий кенгаш хузурида ўтказилади.

Чет тили бўйича малакавий имтиҳонлар университетда мавжуд Илмий кенгашлардаги мос ихтисосликлар бўйича университетда ўтказилади.

Талабгорнинг базавий олий маълумот тўғрисидаги дипломи фалсафа доктори диссертациясининг ихтисослигига мос келмаганда, талабгорга қўшимча малакавий имтиҳон мос магистратура мухассислигининг ўқув режасидаги иккита фан ва диссертация ихтисослигига мос битта фандан белгиланади.

5.2.2. Малакавий имтиҳонларни қабул қилиш комиссияси Университет раҳбарининг буйруғи билан икки йил муддатга тузилади.

6-БОБ.

ЯКУНИЙ ҚОИДА

6.1. “ТИҚХММИ МТУда илмий даражалар ва илмий унвонлар бериш ТАРТИБИ” Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги “Иқтисодиёт тармоқлари учун муҳандис кадрларни тайёрлаш тизимини инновация ва рақамлаштириш асосида тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-42 сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Университетнинг “Бошқарув кенгаши” билан келишилган.

1-ИЛОВА

Илмий кенгаш ёки диссертация бажарилган муассаса томонидан Бир марталик илмий кенгаш тузиш бўйича ёки изланувчи томонидан илмий даражалар берувчи илмий кенгашга тақдим этиладиган ҳужжатлар

РЎЙХАТИ

1. Диссертация бажарилган муассасанинг диссертацияни ҳимояга қабул қилиш ёки Бир марталик илмий кенгаш тузиш ҳақидаги мурожаати.

2. Изланувчи тўғрисидаги объектив-маълумотнома ва унинг электрон шакли ёзилган CD-диск.

3. Изланувчининг таълим муассасасини битирганлиги тўғрисидаги дипломи нусхаси.

4. Фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даража дипломининг нусхаси (фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгор учун).

5. Малакавий имтиҳонларни топширганлиги ҳақидаги гувоҳномалар (фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгор учун).

6. Диссертация бажарилган муассасанинг хулосаси.

7. Диссертация муҳокама қилинган ташикilotлар хулосалари (агар мавжуд бўлса).

8. Изланувчининг диссертация бажарилган муассаса томонидан тасдиқланган илмий ишлари рўйхати, асосий илмий ишлари нусхалари.

9. Илмий раҳбар (консультант)нинг тақризи.

10. Фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгор учун фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд унга тенглаштирилган бошқа илмий даража диссертацияси автореферати.

11. Ҳаммуаллифликдаги илмий ишларни диссертацияга тўла ёки қисман киритиш учун ҳаммуаллифларнинг ёзма равишида билдирган розилиги.

12. Диссертация ва диссертация автореферати.